# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 13 (8.748) ◆ 1996 йил ◆ 31 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов кириш сўзи билан очди.

Фаоллар йиғилишида «Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1995 йилги режалари бажарилишининг якунлари ва 1996 йилда барқарор ишлашни таъминлаш юзасидан вазифалар» тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев шу ҳақда маъруза қилди.

## БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТЯПТИ

Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси томонидан тайёрланаётган машиналарга бўлган талаб йил сайин ортиб боряпти. Шуни ҳисобга олган корхона ишчилари маҳсулотлар турини ошириб, сифатини яхшилаш йўлида изланмоқда.

Янги йилнинг дастлабки ойида бу ерда бир нечта янги турдаги дастгоҳларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, чигит ва ғўзалардан ёғ сиқиб оладиган, дарахт ғўлаларига ишлов берадиган техникалар шулар жумласидандир. Корхона меҳнат аҳли ҳар иккала янги маҳсулотнинг дастлабки туркумини, яъни улардан 200 донасини ишлаб чиқарди.

Шунингдек бирлашма чет эллик фирмалар билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда. Фикримизнинг далили учун биргина Американинг «Кейс-Корпорейшн» фирмаси билан бўлаётган ҳамкорликни айтиб ўтиш кифоя. Бу йил мана шу ҳамкорлик туфайли серияли равишда дон маҳсулотларини йиғишда ишлатиладиган янги комбайнлар ишлаб чиқарилади.

Айниқса бу йил корхона номига маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан хорижлик ва қардош республикалардан буюртмалар кўплаб келяпти. Яқинда бирлашмада бир гуруҳ туркманистонлик машинасозлар бўлишиб, улар бу йил ушбу корхона билан 600 та қишлоқ хўжалик машиналарини етказиб бериш хусусидаги шартномани имзолаб кетишди. Бирлашма меҳнат аҳли бундай буюртмаларни Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжон дала меҳнаткашларидан ҳам олишган. Ҳозир ишчи ва муҳандислар юқоридаги буюртмаларни ўз муддатида бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Маҳмуд ОРИПОВ.

*Эски шаҳар ёшаради*

## САҒБОНГА БИР КЕЛИНГ

### Суратли лавҳа



Ҳозир Сағбон кўчасидан ўтган кишининг албатта кўнгли хушнуд, дили равшан тортади. Яқин кунлар ичида Форобий кўчаси ҳам худди ана шундай тусга киради.

Бекатда ўтирган икки нуронийнинг суҳбатига одобдан бўлмаса-да, қулоқ солдим.

— Хўб замонлар келдими, биродар. Айни ёшлик йилларимиз чанг-тупроқ кўчаларда куз-қиш кунлари тизза бўйи лой ва қорларни кечиш билан ўтганди. Қараб кўзларимга ишонмайман. Кенг ва равон кўчаларда ғизиллаб ўтаётган транспортлардан пиёда юрувчи йўловчилар кўп-а.

— Э, нимасини айтасан, — шеригининг сўзларини тасдиқлади иккинчиси. — Мана кўрасан яқин кунларда биз истиқомат қилаётган Форобий кўчасини ҳам ҳеч ким танимай қолади. Қишнинг чирсиллаган совуқ кунларига қарамай йўлсозлар тинимсиз ишлашаяпти. Эртадан кечгача трактор ва «ЗИЛ» машиналарининг овози тинмайди, — дея қўли билан олд томонга ишора қилди.

Йўлсозларнинг қаерда ишлаётгани бизга ҳам керак эди. Ана шу ишора билан Форобий кўчасининг иккинчи қисми, ғарб томонга қараб йўл олдик. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари тугай деб қолибди. Кўтарма кранлар ёрдамида йўлкалар учун плиталар, асфальт ётқизишдан олдин тўкилаётган шағалларни текислаш, йўл чироқлари ҳамда электр транспорти учун ўрнатилаётган бетон устунларни жой-жойига қўйиш ишлари жадал борарди. Кун совуқ бўлишига қарамай, бунёдкорлар ўзгача ғайрат билан ишлашмоқда. Бизга пешвоз чиққан Тошкент ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Жавоҳир» йўл корхонасининг бош муҳандиси Абдуғаффор Абдуллаев шу кунларда қилаётган ишлар ҳақида гапириб берди:

— Жамоамиз аъзолари 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг, «Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш борасида астойдил ишга киришдилар. Даставвал Сағбон кўчасидаги ўзимизга тегишли ишларни бажариш билан бир қаторда троллейбуслар учун подстанция қуриш билан банд бўлдик. Бу кўчани фойдаланишга топширганимиздан кейин эса Форобий кўчасини таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини жонлантириб юбордик. Кўчанинг бир километрдан зиёд иккинчи бўлаги яқин кунлар ичида тўлиқ асфальтланиб, фойдаланишга топширилади. Бу ишда 24 нафар йўлсоз баҳоли-қудрат меҳнат қилмоқда. Айниқса Абдукарим Солиҳов (бригадир), Ўткир Медетов, Ботир Тулебоев, Саидакбар Ботиров, Исмоил Мамадалиев (кранчи)ларнинг қўшаётган ҳиссаларини алоҳида тилга олсак арзийди. Бошқармамиз раҳбарлари Баҳодир Нуритдинов, Икром Тўрақулов, Шукур Юсупов (корхона раҳбари)нинг биз, ишчиларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан мамнунмиз. Улар доимо керакли материаллар билан ҳамда моддий таъминланишимизда ўзлари бош-қош бўлишмоқда.

Ўзим ҳар сафар Сағбон кўчасидан ўтганимда қилган ишларимиз зое кетмаганидан, мустақил юртимизнинг инсонларига шундай равон ва кенг кўчаларни тақдим этганимиздан фахрланаман. Ҳаётда қўлингдан келса кўприк, чойхона, равон йўллар бунёд этгин, деган доно сўзларни кўп эшитганман. Бизнинг жамоамиз шундай шарафли ишни бажараётганидан хурсандман.

Гулчеҳра МУРОДОВА.

***СУРАТЛАРДА:*** *(чапдан) бригадир Абдукарим Солиҳов, бош муҳандис Абдуғаффор Абдуллаев ва ишчи Ўткир Медетовлар навбатдаги иш режасини кўздан кечиришмоқда; Форобий кўчасининг иккинчи қисмида олиб борилаётган ишлардан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*







## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ 30 январь куни Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон Ини унинг илтимосига биноан қабул қилди.

❑ Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида эпидемияга қарши республика фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлди.

❑ Тошкентда қишлоқ хўжалик корхоналарини ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

❑ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилади.

❑ Тошкент шаҳридаги «Тикланиш» корейс жамияти ташкил этилганининг уч йиллиги арафасида Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

❑ Индонезия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида ушбу мамлакат ҳукуматининг «Экосан» халқаро хайрия жамғармасига инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлди. Тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлардан иборат мазкур кўмак Оролбўйидаги оғир экология шароитида фаолият олиб бораётган шифохоналарга жўнатилади.

❑ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Катта театри саҳнасида П. Чайковскийнинг «Уйқудаги гўзал» балети намойиш этилди. Ундаги асосий ролларидан бирини япон балет сулоласи вакили, ёш раққоса Юкико Ивата ижро этди.

❑ Учинчи қишки Осиё ўйинлари пойтахти Харбин шаҳри спортнинг ана шу тури бўйича энг кучли вакилларни кутмоқда. Ана шу ўйинларда Ўзбекистон спортчилари ҳам биринчи марта иштирок этадилар. Бугун Тошкент — Пекин йўналиши бўйлаб бизнинг командамиз Хитойга жўнаб кетди. Команда таркибига спортнинг қишки тури бўйича мусобақаларда иштирок этадиган энг кучли ўн нафар юртдошларимиз киритилган.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 36 сўм 10 тийин даражасида қайд этилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Қозоғистоннинг янги чақириқ парламенти биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев нутқ сўзлади. Янги парламент иккита палатадан иборат.

❑ Беларусь Президенти Александр Лукашенко кеча бу ерга ташриф билан келган Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашди. Учрашувда иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий масалалар муҳокама этилди. Бугун Евгений Примаков Украинага ташриф билан келади.

❑ Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Фармонига кўра ўзбекистонлик бир гуруҳ жамоат, фан, маданият ва санъат намояндалари қўшни давлатнинг юксак унвонлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Улар икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ва «Манас»нинг 1000 йиллигини байрам қилишда фаол иштирок этганликлари учун шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

❑ Кеча халқ таълими ходимларининг Бутунроссия иш ташлаши бошланди. Иш ташловчилар кўп миллиардли қарзларни тўлашни талаб қилмоқдалар.

❑ 1 февралдан бошлаб Грузияда нон нархи 40 фоизга ошириладиган бўлди.

❑ Қирғизистонда минтақавий славяншунослик институти ташкил этилди.

❑ Доғистоннинг Первомайск қишлоғида дудаевчилар томонидан қўлга олинган новосибирсклик 17 милиционердан бештаси озод қилинди. Қолган 12 кишини озод этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

❑ Молдовада энергетика тақчиллиги оқибатида 600 дан зиёд болалар боғчалари ва 40 га яқин мактаблар беркитилди.

### ХОРИЖДА

❑ АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакатга расмий ташриф билан борган Россия Бош вазири Виктор Черномирдинни қабул қилди.

❑ Франция Президенти Жак Ширак унинг мамлакати барча ядро синовларини бутунлай тўхтатишини ва яқин вақт ичида умумий қуролсизланиш бўйича янги ташаббуслар билан чиқиш ниятида эканлигини айтди.

❑ Покистон ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али ўз мамлакати ҳар қандай ядро қуролларини тақиқлаш тарафдори эканини билдирди.

❑ Тайваннинг Хитой билан уришиш нияти йўқ, деди Тайван Президенти Ли Дэнхуэй. У Тайван билан Хитой ўртасидаги муносабатлар борган сари хавфли томонга қараб кетаётгани ҳақидаги гапларни оммавий ахборот воситалари ўйлаб топганлигини таъкидлади.

❑ Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Грецияни Туркия ҳудудларига даъво қилишда айблади.

❑ Франция собиқ президентининг беваси Даниэль Миттеран унга сўнгги 15 йил мобайнида совға қилинган қимматбаҳо буюмларни кимошди савдосига қўйиб ундан тушган бир ярим миллион франкни ўзи раҳбарлик қилаётган жамғармага — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотга топширди.

❑ Венецияда 1790 йилда қурилган Европадаги энг чиройли ва кўҳна театр — «Фениче» ёниб кетди.

/ ЯНГИЛИКЛАР / ВОҚЕАЛАР / ХАБАРЛАР

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

/ ЯНГИЛИКЛАР / ВОҚЕАЛАР / ХАБАРЛАР

### ҚАЛОВИ ТОПИЛГАЧ

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли вагон таъмирлаш заводида ишлар доимо қизғин бўлади. Чунки корхона фақатгина пойтахтнинг йилдан-йилга кенгайиб бораётган электр транспорти тармоғи билан бирга Самарқанд, Бухоро, Андижон, Олмалиқ, Чимкент каби шаҳарларда ҳаракатланувчи трамвай ва троллейбусларга ҳам эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

Вагон таъмирлаш заводи янги бинога кўчиб ўтгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса кўпайди. Айниқса таъмирловчилар учун жуда зарур бўлган 525-русумли пармалаш дастгоҳининг ишга туширилиши ЗИУ—6, ЗИУ—9 троллейбуслар эҳтиёт қисмларининг Саратовдан олинишига барҳам берди. Янги таъмирлаш цехининг ишга тушиши бир йилда 300 га яқин электр транспорт воситасини ҳар томонлама пухта таъмирлаш имкониятини яратди. Трамвай ва троллейбус моторларини ечиш ва таъмирлашда автомат линиялардан кенг фойдаланилаётганлиги бажарилаётган ишнинг сифатли бўлишини таъминлаяпти. Илгари Россиядан келтирилган кўплаб турдаги эҳтиёт қисмлар энди бевосита корхонанинг ўзида тайёрланмоқда.

Баҳодир ҲИДОЯТОВ.

*Касаба уюшмалари фаолиятидан*

### ҒАМХЎРЛИК БОР ЖОЙДА

Ҳукуматимиз қабул қилаётган қарорларда халқ фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик, уларни ижтимоий ҳимоялашга кенг ўрин берилаётгани барчага маълум.

3-автокорхона маъмурияти бу борада ишчи-хизматчиларга керакли ёрдамларини аямаяпти. Ўтган 1995 йил давомида уруш қатнашчиларига, кам таъминланган оилаларга ҳамда кўп болали оилаларга 1500 сўм атрофида маъмурият томонидан ёрдам пули ажратилди. Касаба уюшмаси томонидан ҳам 5500 сўм пул ёрдами берилди. Бу ишчиларни янада самаралироқ ишлашга ундади.

Қолаверса ҳукуматимизнинг одилона сиёсати, халқимизга мақбул йўллари ишимизда янги ўзгаришлар касб этаяпти.

Бизнинг асосий вазифамиз автокорхона хизматини юксак даражага кўтариш, ишни самарали йўлга қўйишни ташкил қилишдан иборат бўлибгина қолмасдан, йўналишдаги автобусларнинг аҳолига хизмат маданиятини оширишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхона касаба уюшмаси олдига қўйган вазифаларни тўлиқ адо этиб келаяпти. Корхонада ойлик маошлар узлуксиз ўз вақтида берилялти. Ишчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилган. Сауна, клуб ва болаларни соғломлаштириш маркази фаолиятидаги қулайликдан барча баҳраманд.

Ишчи-хизматчиларга таннархининг 20 фоизи миқдорида, дам олишлари учун 15 та йўлланма тақдим этилди. Айниқса, корхонадаги ошхона хизматидан ҳамма хурсанд. Тушки овқат харажатининг 20 фоиз қиймати касаба уюшмасининг ёрдами билан таъмин этилган. Тошпўлат Раҳматуллаев, Обид Муҳаммедов, Рўзибой Зиёевлар ошхона хизматидан мамнун эканлигини билдирдилар. Қиш ойларида кечки сменада ишловчиларга бепул кечки овқат ташкил этилган. Янги новвойхона ҳам ишлаб турибди.

Хуллас, ҳозирги иқтисодий шароитда автокорхонамизнинг 780 дан ортиқ ишчи-хизматчи ходимлари фаол меҳнатлари билан қийинчиликларни енгиб, фаровон ҳаёт сари одимламоқдалар.

Биз 1996 йилдаги режаларимизни белгилаб олганмиз. Ишчи-хизматчиларимизнинг турмуш тарзи ва уларнинг иш шароитини яхшилашни тўғри ташкил қилишнинг самарали йўлларини қидиряпмиз. Шу туфайли ҳам халқимизга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Мирсоат РАУПОВ,
*3-автокорхона касаба уюшмаси раиси.*

*Олий ўқув юртларида*

### МАЛҲАМ ЯРАТИЛДИ

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети кимё факультетининг лабораториясида янги, ноёб тиббий дори яратилди. Ҳозирча толасимон полимер сорбенти деб номланаётган ушбу малҳам стоматология, юз-жағ соҳаси хасталикларида қўл келади.

Синтетик полимерлар кимёси кафедрасининг профессори Шавкат Қурбонов яратган ушбу дори Тошкент Шифокорлар малакасини ошириш институти ва Қибрай марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимларида синаб кўрилганда ярада сурувчанликни кучайтириб, йиринг ва касал тўқималардан тозалаши, битиш муддатининг анча қисқариши кузатилди. Малҳамни яратиш ва синов ишларида ҳамкорлик қилган профессор Эшмўмин Худоёров ҳамда аспирант Худойберди Эшбадаловларнинг таъкидлашларича, ушбу дори шунчалик кучли эканки, ҳатто унинг бир неча килограммларда ўлчанган миқдордагиси ҳам бутун республикамиз эҳтиёжи учун етиб-ортар экан.

Ҳозир кашфиёт ва синов натижалари жамланиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди. У ердан тегишли рухсат олингач, кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади.

Бобур ҲУСАНОВ.

### ДАВЛАТ ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети қошидаги давлат тилини жорий этиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бу масалага доир қатор муаммолар муҳокама этилди.

Комиссия раиси, университет проректори Р. Ҳ. Муртазоева йиғилишни очиб бу соҳада университет жамоаси олдида турган вазифаларга тўхталди. Университет ўқув бўлимининг бошлиғи Э. Б. Бўрибоев ТошДУ факультетларидаги рус гуруҳларида «Ўзбек тили» курсининг ўқитилиши ҳақида, ўқув-методика бўлимининг бошлиғи У. Мирзаев университетда русийзабон ходимларга ўзбек тилини ўқитиш ишларини takомиллаштириш тўғрисида маърузалар қилишди. Ўзбек ва рус тиллари кафедрасининг ўқитувчиси З. К. Юнусова ажнабий талабаларга ўзбек тилини ўқитишнинг ҳолати ва бу борада қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Профессорлар Ё. Тожиев, М. Миртожиев, доцент М. Аъламова университет жамоасига ўзбек тилини ўргатиш соҳасидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда ўзбек бўлмаган талабалар ва ходимларга ўзбек тилини ўқитишни янада такомиллаштириш мақсадида янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда бу борада махсус тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

Зарбуви АЛҚАРОВА.

### МУСАВВИРЛАР ТАСВИРИДА

Тарихий шароит тақозоси билан темурийлар даврида яшаган халқларнинг ҳаёти, фани ва маданиятининг вакиллари тасвирий санъатда жуда кам акс эттирилган ва бунинг устига бизнинг давримизгача уларнинг ҳаммаси ҳам етиб келмаган. Етиб келганларининг анчагина қисми ҳам бизнинг Ватанимизда эмас. Айримларининг асл нусхалари дунёнинг турли ҳудудларида жойлашган маданият масканларида сақланаётганлиги маълум. Шунинг учун ҳам бу даврга оид ҳар бир тасвирий санъат асари катта қизиқиш билан кутиб олинаётганлиги бежиз эмас.

Куни кеча Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг А. Навоий номидаги адабиёт музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темур ва темурийлар даври мусаввирлар тасвирида» деб номланган кўргазма очилди. Унда Т. Қурязов, Р. Худойберганов, А. Машарибов, И. Воҳитов ва А. Абдуллаевларнинг сара асарлари намойиш қилинмоқда. Кўргазма очилгач, тарихчи олим, академик А. Асқаров «Темур даври ва ҳозирги замон» мавзусида маъруза қилди. Сўнг кўргазмага ташриф буюриб мусаввирларнинг асарлари билан танишган ёзувчилар, мусаввирлар, олимлар, олий ўқув юртлари муаллим ва талабалари кўргазмага қўйилган санъат асарлари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Айрим асарлар юзасидан мусаввирлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Давр руҳини, ўтмишнинг буюк кишилари сиймосини яратишда уларни бутун борлиғи билан бериш, тарихийликка муҳим эътибор деярли барча суратларда акс этганлиги эътиборга лойиқдир.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

## МАҚСАД — ФУТБОЛИМИЗНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз спортни, хусусан футболнинг ривожланишига муҳим аҳамият қаратмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда чиққан «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам республикамизда оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, уни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, ўйинчилар билан шартномалар тузишнинг барча қонун-қоидалари ўз аксини топди. Ҳозир мазкур қарор асосида жойларда футболимиз нуфузини янада кўтариш борасида салмоқли ташкилий ишлар бошлаб юборилди.

Куни кеча республика таълим илмий-методика марказининг мажлислар залида мамлакат олий лига командалари раҳбарлари ва футболимиз мутасаддилари иштирокида катта давра суҳбати ўтказилди. Унда юртбошимиз кўрсатмалари ва республика Вазирлар Маҳкамаси қароридан келиб чиқадиган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов, республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов ва бошқалар футболни ривожлантириш, унинг шон-шуҳратини кўтариш, ўйинчиларимиз маҳоратини кескин ошириш, ўйингоҳларимизни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш борасида қилиниши лозим бўлган мақсад-вазифалар хусусида тўхталишиб, мураббийлар, ҳакамлар ва ўйинчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Қизиқарли учрашув давомида футболимиз ривожида ўқувчи-ёшлар иштирокини фаоллаштириш лозимлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

/ ЯНГИЛИКЛАР / ВОҚЕАЛАР / ХАБАРЛАР

